

Бухоро Давлат университети  
“Иқтисодиёт” кафедраси  
**Катта ўқитувчиси Абдуллоев Аслиддин Жунайдуллаевич**  
**Ўқитувчиси Давлатов Сухроб Сайитжонович**  
**dsoukhrob@mail.ru, тел: 99890-636-09-30**

## **ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИДА КООПЕРАЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШДАГИ ЎРНИ ВА РАҶОБАТБАРДОШЛИКНИ ОШИРИШДАГИ РОЛИ**

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигига хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик эркинлигига асосланган фермер хўжаликлари шаклланиб, уларнинг қишлоқ хўжалигига тутган ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Мамлакатимиз аҳолиси ҳаётининг фаравонлиги, қишлоқ хўжалигининг истиқболдаги тараққиёти фермер хўжаликларининг ҳар томонлама ривожланиши билан боғлиқ. Зоро, хўжалик юритишнинг бу шакли ривожланган мамлакатларнинг узоқ даврли тажрибасида ўзининг самарадорлиги, раҷобатбардошлиги, бозор конъюктурасига тез мослаша олиши каби хусусиятларини намоён эта олди.

Мамлакатимизнинг раҷобатдошлигини оширишни таъминлаш учун иқтисодиётни таркибий ўзгартириш сиёсатида қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар етакчи ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Ўтган давр мобайнида орттирган тажрибамиз фермерликни янада ривожлантириш учун бир қатор жуда муҳим муаммоларни, хусусан, фермер хўжаликларининг барқарорлиги, уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни қатъий талаб этмоқда”[1],-деб таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикасида хусусий мулк ва эркин тадбиркорликка асосланган фермер хўжаликлари шаклланиб, уларнинг қишлоқ хўжалигига тутган ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Хўжалик юритишнинг мазкур шакли тажрибада ўз самарадорлиги, раҷобатбардошлиги ва бозор конъюнктурасига тез мослаша олиши каби хусусиятларга эга эканлигини намоён эта олди.

Бухоро вилоятида 2014 йилда 3297,4 млрд.сўмлик ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилди. Шундан 1434,9 млрд.сўмини чорвачилик маҳсулотлари ташкил этди. 2013 йилнинг шу даврга нисбатан ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш солиштирма нархда 106,8 фоизга ўсди. Вилоят қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи пахтачилик бўлиб, у билан бир каторда, дончилик, сабзавот – мевачилик, чорвачилик ва бошка тармоқлар ҳам ривожланиб бормоқда.

## 1-жадвал.


### Бухоро вилоятида аҳоли жон бошига асосий турдаги қишлоқ хўжалиги махсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси, кг<sup>1</sup>

| Тармоклар,<br>йиллар | 1995* | 2000  | 2001  | 2002  | 2003  | 2004  | 2005  | 2006  | 2007  | 2008  | 2009  | 2010  | 2011  | 2012  | 2013  |
|----------------------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
| Мева                 | 8,5   | 36,4  | 37,8  | 40,2  | 42,3  | 51,1  | 57,3  | 61,9  | 70,4  | 76,3  | 81,6  | 91,9  | 95,8  | 103,8 | 113,2 |
| Узум                 | 22,2  | 42,4  | 42,4  | 43,6  | 43,6  | 63,4  | 68,5  | 77,8  | 85,1  | 46,1  | 54,4  | 60,9  | 64,1  | 72,5  | 79,7  |
| Сабзавот             | 18,4  | 105,3 | 106,4 | 108,6 | 114,9 | 128,4 | 137,5 | 145,7 | 166,6 | 182,9 | 194,7 | 216,1 | 229,1 | 253,3 | 272,2 |
| Картошка             | 1,1   | 30,1  | 30,7  | 32,1  | 33,8  | 37,6  | 39,7  | 43,4  | 52,5  | 59,7  | 62,4  | 70,2  | 71,1  | 81,9  | 89,7  |
| Полиз                | 5,7   | 23,2  | 24,0  | 25,6  | 27,0  | 29,8  | 32,9  | 35,3  | 38,6  | 41,7  | 44,1  | 48,5  | 51,2  | 54,7  | 59,4  |

\*-Дехкон ва фермер хужаликлари маълумотларисиз

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 октябрдаги "2012-2015 йилларда Республика озиқ-овкат саноатини янада ривожлантириш ва бошкарувни такомиллаштириш буйича чора-тадбирлар тутрисида"ги ПҚ-1633-сонли карори билан тасдиқданган "2014 йилда Бухоро вилоятида гушт, сут, мева-сабзавот ва узумни кайта ишлашга ихтисослашган янги замонавий корхоналарни қуриш хамда мавжудларини модернизация ва реконструкция қилиш инвестиция лойихалари дастури"га асосан 2014 йилда қиймати 7,7 млн. долларга teng 16 та лойихани амалга ошириш белгиланган эди. 2014 йил давомида 4,6 млн. доллар ва 3,1 млрд. сўмга teng 21 та лойиха амалга оширилиб, 150 та янги ишчи ўринлари яратилди. Фермерликни ривожлантириш мақсадида республикамизда қатор ибратли ишлар амалга оширилишига қарамасдан, фермер ёки дехқон хўжаликларининг бевосита ўзларига боғлиқ бўлган айrim муаммолар вужудга келмоқда.

### 1-расм. 2000-2013 йилларда Бухоро вилоятида етишлирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг аҳоли жон бошига нисбатан ўзгариш динамикаси.



<sup>1</sup>. Бухоро вилоятида хокимини 2014 йил якунлари маъruzасидан

Фермерликни ривожлантириш мақсадида республикамиизда қатор ибратли ишлар амалга оширилишига қарамасдан, фермер ёки дехқон хўжаликларининг бевосита ўзларига боғлиқ бўлган айрим муаммолар вужудга келмоқда. Яъни, ер ва сувдан, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш; маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишни оптималь режалаштириш; сарф-харажатларни камайтириш ва маҳсулот сифатини ошириш ҳисобига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини ошириш; илм-фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда ресурслар тежовчи технологияларни жорий этиш шулар жумласидандир.

Юқоридаги масалаларни ҳал этиш йўлларидан бири уларни турли хил кооперативларга бирлаштиришdir. Фермер хўжаликлари кооперативларга бирлашиш орқали ўзларининг ижтимоий-иктисодий ҳолатини яхшилашга муваффақ бўлишлари мумкин. Кооперация алоқаларини ривожлантириш 2011 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг муҳим йўналишларидан бири қилиб белгиланиши ҳам айни муддао бўлди.

Бунда кўп сонли фермер ва дехқон хўжаликларини кенг кўламда кооперация жараёнига жалб этиш катта аҳамият касб этади.

БМТ Бош ассамблеяси томонидан 2012 йил – Халқаро кооперативлар йили деб эълон қилди, бунда кооперативларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишдаги ҳиссаси таъкидлаб ўтилди. XXI асрда жаҳон ҳамжамиятида бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам иктисодиёт ривожланишидаги ютуқлар маълум жиҳатдан инсоният ўтмиш аждодлар тўплаган ижобий тажрибадан қай тариқа самарали ва кенг миқёсда фойдалана олишига боғлик.

Замонавий жаҳон амалиёти, шунингдек маҳаллий тажрибага биноан қишлоқ хўжалигининг илгариловчи ҳаракати маълум маънода кооперация афзалликларидан фойдаланиш орқали белгиланади. Қишлоқ хўжалигига кооперациянинг умумий моҳияти шундан иборатки, бунда энг аввало кучли бозор рақобатига бардош бериб, ўз олдига иктисодий ва ижтимоий ҳолатини яхшилашни мақсад қилиб қўйган бозор субъектларининг эркин тадбиркорлик ва бизнес билан шуғулланишида маълум соҳалларда фаолиятини бирлаштириши ва кооперация жараёни иштирокчиларини бозордаги турли монополист ташкилот ва тузилмалар фаолиятидан ҳимоя қилиш кўзда тутилади.

Кооперативга худуд жиҳатдан яқин бўлган хўжаликлар ихтиёрий равишда бирлашишлари мумкин, унга фермер хўжаликларидан ташқари, ҳар қандай қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъектлар ҳам аъзо бўлишлари мумкин.

Шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, фермер хўжаликлари иштирокида ташкил этиладиган кооперация жараёни иктисодий ва ижтимоий моҳияти жиҳатидан қўйидаги йўналишларда ташкил этилиши лозим.

▪ фермер ва дехқон хўжаликларининг меҳнатдан фойдаланиш билан боғлиқ кооперацияси;

▪ фермер ва дехқон хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалик йўналишидаги асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган кооперацияси;

- фермер ва деҳқон хўжаликларининг ер ресурсларидан фойдаланиш борасидаги кооперацияси;
- фермер ва деҳқон хўжаликларининг савдо ва таъминот кооперацияси;
- фермер ва деҳқон хўжаликларининг кредит ва суғурта кооперацияси;
- фермер ва деҳқон хўжаликларининг кўп тармоқли кооперацияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, сўнгги пайтларда қишлоқ хўжалиги тармоқларида жиддий силжишлар кузатилмоқда. Ўтган йилда ҳамма асосий қишлоқ хўжалиги экинлари бўйича юкори ҳосилдорликка эришилган – 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд пахта, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида биринчи марта 8 миллион 50 минг тонналик юксак ғалла хирмони бунёд этилди. Президентимизнинг таъкидлашича: “хорижий мамлакатлар тажрибасини чукур ўрганиш, қишлоқ хўжалигини иқтисодий ислоҳ этиш бўйича туб ўзгаришлар, бозор муносабатларини жорий этиш ва қишлоқда хусусий мулкчилик шаклларини ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун ҳуқукий, ташкилий ва молиявий шароитлар яратиш бундай юкори натижаларга эришиш имконини берган таянч омиллар десак, муболага бўлмайди

Хулоса қилиб ҳозирги кунда кўп укладли иқтисодиётда хўжалик юритиш кооперация муносабатларига асосланган мулкчилик шаклининг барпо этилиши ҳамда ривожланиши муҳим ўрин тутади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.:Ўзбекистон, 2009. – 226.
2. Хусанов Р.Х. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар ва аграр иқтисодиёт. -Т.: Янги аср авлоди, 2004. -Б.213.
3. Чориев Қ.А. “Пахта ва дон этиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари таъсисчилигида қишлоқ хўжалик кооперативи ташкил этиш” услугбий тавсия. –Тошкент, ЎзБИИТИ, 2011. -32 б.
4. Фармонов Т.Х. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари. - Т.: Янги аср авлоди. 2004. -Б.144.
5. Kraenzle C.A., Eversull E.E. Co-ops increase share of farm marketing; share of farm supply sales dips slightly // Rural Cooperatives, may-june 2003. -P.19-21.
6. Marketing Operations Of Dairy Cooperatives, 2002 /RBS Research Report 201 - United States Department of Agriculture: Washington, 2004.
7. Introduction in Food and Agribusiness Management // Gregory A. Baker, Orlen Grunewald, William Gorman - New Jersey: Prentice Hall, 2002. - P.364.